

## Вьетнам Социалистик Республикаси Олий Халқ прокуратураси делегациясининг ташрифи

**Вьетнам Социалистик Республикаси Бosh прокурори Нгуен Хао Бинь бошчилигидаги Олий Халқ прокуратураси делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди.**

Ташриф доирасида 24 май куни делегацияни Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурори Р.Х.Қодиров қабул қилди. Қабулда Вьетнамнинг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор Элчиси Ле Мань Луан иштирок этди.

Учрашув иштирокчилари идоралараро ҳамкорликнинг босқичма-босқич ривожланиши, бунинг натижасида 2012-2013 йилларда амалга оширилган делегациялар алмасуви доамида Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ҳамда Вьетнам Социалистик Республикаси Олий Халқ прокуратураси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланганини қайд этдилар.

Бу ташриф ҳуқуқий соҳадаги икки томонлама ҳамкорлик ривожланишининг навбатдаги босқичи ҳисобланади.

Меҳмонларга Ўзбекистон прокуратураси фаолиятининг асосий йўналишлари, давлат раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва либераллаштиришга, прокуратура ва суд мустакиллигини кучайтиришга қаратилган, босқичма-босқич амалга оширилётган ислохотлар ҳақида маълумотлар берилди.



Либераллаштириш сиёсати натижасида тергов ва айбланувчиларни қамокда сақлаш муддатлари 1 йилгача қисқартирилганлиги, ўлим жазоси бекор қилиниб, прокурорларнинг қамокқа олишга санкция бериш, айбланувчини лавозимдан четлаштириш ҳамда тиббий йўсиндаги муассасасга экспертиза ўтказиш учун жойлаштириш ваколатлари судларга ўтказилганлиги қайд этилди.

Шунингдек, ўтган йилнинг сентябрь ойида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом, прокуратура органлари ходимларининг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоясига оид қўшимча чоралар прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва ходимларнинг масъулиятини оширишга қаратилганлиги ҳам таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳофазаси чоғида томонлар бу йўналишда ҳуқуқий базани кенгайтириш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда экстрадиция тўғрисида шартнома тузиш йўли билан амалга ошириш муҳимлигини қайд этишди.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бораётганлиги самараси сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 22 та қўшма корхона фаолият кўрсатаётганлиги таъкидланиб, бу борада иккала республиканинг иқтисодий салоҳиятидан янада тўлароқ фойдаланиш кераклиги қайд этилди.

Музокара якунида Бosh прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиний оид маърадрларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг фаолияти билан таништириш жараёнида унинг вазифа ва ваколатлари делегация аъзоларида қизиқиш уйғотди. Шу билан бирга,

меҳмонлар прокурорларнинг таълим муассасаси — Олий ўқув курсларига ташриф буюриб, Бosh прокуратура музейи билан танишдилар.

Меҳмонлар шунингдек, Тошкент Давлат юридик университетининг янги биноси билан ҳам танишдилар.

Иш тажрибалари алмашишуви жараёнида Вьетнам Бosh прокурори иккала давлат прокуратура органлари вазифаларининг ўхшашлигини қайд этди. Шунга қарамадан, прокуратура ваколатлари, Ўзбекистоннинг жиноят-ҳуқуқ тизимидаги янгиликлар тўғрисида олинган маълумотларнинг аҳамиятини ва улардан бугунги кунда Вьетнам прокуратураси томонидан ишлаб чиқилаётган прокуратура тўғрисидаги қонун ва жиноят-процессуал кодексининг янги лойиҳаларида фойдаланишини таъкидлади.

Ташриф доирасида делегация Олий Мажлис Сенати ра-

иси, Олий суд раиси ҳамда Ички ишлар вазири томонидан қабул қилинди.

Парламентнинг юқори палатасида бўлиб ўтган учрашувда 1992 йилда дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши, кейинчалик 1996 йилда давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши икки давлатнинг дўстона муносабатлари асосини яратиб, ўзаро алоқаларнинг кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшгани қайд этилди.

Ички ишлар вазири ҳамда Олий судда бўлиб ўтган учрашувларда жиноятчиликка қарши курашишга, айниқса унинг олдини олишга, судьяларнинг мустакиллигига алоҳида аҳамият қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, меҳмонлар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишиб, "Анжуманлар саройи" ва "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар. Самарқанднинг тарихий обидалари ҳамда вилоятдаги "MAN" ва "Sam Antep Gilam" қўшма корхоналарининг фаолияти билан танишдилар.

Бундан ташқари, вьетнамлик прокурорларга Тошкент вилояти туманларининг бири мисолида қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган яқка тартибдаги шинам уй-жойларни қўздан кечирish, у ерда истиқомат қилувчи аҳоли, уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан танишиш имконияти яратилди.

Бosh прокуратуранинг  
Матбуот хизмати

**Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Бosh прокуратура ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига асосан "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

## Илмий-амалий конференция

Конференцияда тегишли вазирликлар, нодавлат ташкилотларининг вакиллари, вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар маъсул қотиблари, ҳуқуқшунос олимлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида ёш авлодининг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама кафолатлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги белгиланган. Шу билан бирга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ёш авлод тарбиясидаги масъулиятини ошириш асосий вазифалардан биридир.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги,

"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунилар ва бошқа қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Анжуманда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигининг самарадорлиги таъкидлаб ўтилди.

Конференция якунида мутасадди идоралар томонидан "Соғлом бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурилги таъкидланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия**

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

## Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 30 октябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш** — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, фэйририжтимоий ҳулқ-аъворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган ҳулқ-аъвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

/Давоми 4-5-6-7-бетларда/

Одам савдоси дунё халқларини ташвишга солаётган жиддий муаммолардан биридир. Зеро, у ҳудуд ва чегара танламайди. Бу иллатнинг инсон шахси, қадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таҳдид туғдириши ҳақон жамоатчилигини ташвиш ва хавотирга солмоқда. Шу боис ушбу жиноятга қарши самарали кураш олиб боришда давлатларaro ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

## Одам савдоси — инсон эркигига таҳдид

Бобур ДЕХҚОНОВ,

Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда ҳам одам савдосига қарши курашиш, юртдошларимизни ушбу жиноят жабрдийдалари бўлиб қолишларидан асраш, уларга бу тўғрида кўрсатмалар, тушунчалар бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жиноятга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берган Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида ҳудудий идораларaro комиссиялар томонидан давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар изчиллик ва кенг қамров касб этган.

Бу борада вилоят прокуратураси органларида ҳам чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда доимий фаолият йўлга қўйилган. Хусусан, вилоят прокуратураси одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идораларaro комиссияси билан ҳамкорликда 2014 йилнинг февраль-март ойларини "Одам савдосига қарши курашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ойлиги" деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқди.

Ушбу ташаббусга биноан, вилоят ҳокимининг "Одам савдосига қарши курашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши қабул қилиниб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Фармойишга кўра, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга дахлдор тизимлар, молия, бандликка кўмаклашиш марказлари ходимлари ва бошқа мутасадди идораларнинг малакали вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди. Шаҳар ва туманларда ҳам ҳокимларнинг тегишли фармойишлари қабул қилиниб, ишчи гуруҳлари тузилди. Мазкур ишчи гуруҳларга яшаш жойидан узоқ мuddатга кетган ва қайтиб келганларнинг оила аъзолари билан профилактик суҳбатлар ўтказиш, дастур ижросини таъминлаш ҳамда бу борада амалга оширилган ишларнинг таҳлили фаолиятини олиб бориш юклатилди. Шулар асосида гуруҳ аъзолари томонидан аҳоли хонадонларидаги ишчилар ва ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни аниқлаш билан бирга, уларни иш билан таъминлаш, манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронларга эса зарур турмуш шароитларини яратишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Аҳоли ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш учун оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали бошқа жойларга узоқ мuddатга кетганларни доимий яшаш жойига қайтариш чоралари кўрилди. Шунингдек, 215 нафар одам савдоси жинояти содир этишга мойил шахс аниқланиб, улар билан профилактик тадбирлар ўтказилиши таъминланди.

Бу турдаги жиноятдан жабрланган 49 нафар шахс реабилитация марказига юборилиб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари кўрилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида 8377 нафар фуқаро яшаш жойига қайтарилди.

Ноқонуний миграциянинг олдини олиш мақсадида 16 марта "Бўй иш ўринлари ярмаркаси" ўтказилиб, 1112 нафар шахс иш билан таъминланди. Уларнинг 318 нафарини коллеж битирувчилари, 337 нафарини хорижий давлатлардан қайтганлар, 47 нафарини эса жазони ижро этиш муассасаларидан келганлар ташкил этиди.

Шунингдек, жиноятнинг олдини олиш борасида фуқаролар ўртасида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиб, аҳоли, айниқса, ёшларга одам савдоси жинояти тўғрисида батафсил тушунчалар берилмоқда. Қўлиқ азобини бошидан кечирган айрим фуқаролар билан суҳбатлар уюштирилиб, жойларда аҳолининг барча қатламларини жалб этган ҳолда чет элларда сарсон-саргардон юришининг салбий оқибатлари хусусида фильмлар намойиш этилди.

Инсон — азиз, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари муқаддас. Одам савдоси жамият маъжудотлар ичидан азиз ва муқаррам бўлган инсон эркига, унинг манфаатларига таҳдиддир. Шу боис ҳам унга қарши курашиш ҳаммаизнинг вазифамизга айланмоғи керак.

## Ёшлар бизнинг келажагимиз

Юртбошимиз Ислам Каримов "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", — дея таъкидлаган эдилар. Шундай экан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа гайринижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш барчамизнинг, шу жумладан, кенг жамоатчилиكنинг ҳам асосий вазифасидир.

Бу борада мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Оҳангарон туман прокуратураси томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Олиб борилган назорат тадбирлари домида жорий йилнинг 4 ойида жами 4 та текшириш ўтказилиб, қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 8 та тақдирнома киритилди. 33 нафар шахс қонунбузилишларга йўл қўймалик хусусида расман огоҳлантирилди, 56 нафари интизомий, 62 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши кўзга тилиб, вояга етмаганларнинг манфаатларини кўзлаб, судга 1 та даъво ариза киритилди. Хусусан, 2014 йилнинг 8 апрель кунини ўтказилган рейд текшируви натижасида шаҳар ҳудудидаги "Темир ота" ХКга қарашли умумий овқатланиш шохобчасида вояга етмаган И.С. дарс машгулотларига катнашмасдан ноқонуний равишда ишлаб келаётганлиги аниқланган ва "Темир ота" ХК мансабдор шахсларига нисбатан вояга етмаган шахснинг меҳнатидан ноқону-

ний равишда фойдаланганлик ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси 2-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзга тилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сийосатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури" ижроси юзасидан вояга етмаганларнинг кўнгил очиб (дам олиш) жойларида тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз бўлишларининг олдини олиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан рейд текширувлари ўтказилмоқда. Жумладан, текширув жараёнида Оҳангарон шаҳар ҳудудидаги "Европа классик" хусусий корхонасига қарашли чойхонада вояга етмаган Ж.А. ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувисиз тунги вақтда юрганлиги аниқланди ва бунга йўл қўйган "Европа классик" ХФ раҳбарига нисбатан Ўзбекистон Республи-

Умид МУҲАМЕДОВ,  
Оҳангарон туман прокурори

каси МЖТКнинг 188-2-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзга тилиб, жамиятнинг дастлабки ижтимоий бўғини оила ҳисобланади ва вояга етмаганларни тарбиялаш жараёни айнан оиладан бошланади. Ота-онанинг намунали хулқи, жамиятга, болаларга бўлган муносабати, қатнашишлари таъминламаган ота-оналарнинг 52 нафарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзга тилиб, вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси томонидан жарима жазолари тайинланган.

Баркамол авлодни тарбиялаш давлат сийосатининг асосий йўналишларидан биридир. Шу сабабли ушбу соҳага оид қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

## Тажриба оширилди

Саидбид Жўраев,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда жамиятга қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларга қарши курашда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этгани. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида ҳам жамиятга ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Бу борадаги вазифаларни самарали ва тизимли ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари ходимларининг ўз билими устида ишлаши ва касб маҳоратини ошириши, олган билим ҳамда кўникмаларини Қуролли Кучлар тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари ҳамда улар оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича йўналтириш юзасидан мунтазам равишда ўқув-семинар машгулотлари ўтказиб келинмоқда.

Шундай тадбирларнинг навбатдагиси Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий прокурорларнинг қонунчилик тарғиботи йўналиши бўйича бириктирилган ёрдамчилари иштирокида ташкил этилди.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад прокуратура ходимларида йўналишга доир янги билимларни, дунё сийосий майдонидан юз бераётган воқеалар хусусида тўғри мулоҳаза юритиш кўникмаларини ошириш, тажриба ва касб-маҳоратларини юксалтириш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги қонунчилик тарғиботи фаолиятида самарали усуллардан унумли фойдаланиш жиҳатларини янада кучайтиришдан иборат.

Ўқув-семинар машгулотига Бош прокуратура қонунчилик тарғиботи бўлими ходимлари, сийосий шарҳловчилар, таниқли журналистлар, шунингдек, "Ниқид" ва "Vatanparvar" газеталари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий студияси ҳамда Маънавият-маърифат маркази, "YURIDA" МЧЖ вакил-

лари таклиф этилиб, уларнинг ҳозирги кундаги долзарб мавзуларга доир қизиқарли маърузалари машғулоти иштирокчилари эътиборига етказилди.

Шу билан бирга, тадбирда ҳарбий прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларига доир долзарб мавзулар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг бўлим ва тармок ходимлари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Тадбир жараёнида қонунчиликда бўлаётган янгиланган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган охириги ўзгариш ва қўшимчалар, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги, 2014 йил 14 майдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонунлар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди ҳамда уларни жойлардаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Ўқув-семинар машғулоти сўнггида иштирокчилардан тадбир жараёнида ўзлаштирган назарий билимлари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига оид саволлар асосида тест синовлари қабул қилинди.

Ташкил этилган ўқув-семинар машғулоти унда иштирок этган ҳарбий прокуратура ходимларининг қонунчилик тарғиботи йўналиши бўйича билимларини кенгайтирибгина қолмай, ўз соҳаларига доир касб-маҳоратлари ва тажрибаларининг орттичилик хизмат қилди. Бу эса келгусида уларнинг қонунларни тарғиб қилиш ва амалда тўғри қўллаш борасидаги фаолиятларида амалий йўл-йўриқ вазифасини ўтайди.

# Масъулият талаб қиладиган масала

Мамлакатимизда маънан етук, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, келажагимиз эгалари учун энг илгор замонавий шарт-шароитларни яратиш, уларнинг таълим олишини, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Чунончи, бу эзгу вазифаларни рўй-ба-чиқаришда давлат дастурларининг қабул қилинаётгани, ижтимоий йўналтирилган ислохотлар олиб борилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таълим-тарбия тизими янги босқичга кўтариш мақсадида тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2013 йилда туманимизда 2 та таълим масканни, яъни мусика ва санъат мактаби, 5-умумтаълим мактаби спорт зали янгидан қурилди.

Айни пайтда туманимизда 68 та мактабга таълим муассасаси фаолият юритмоқда. 77 та умумтаълим мактабларида 41 минг 776 нафар ўқувчи таълим олимоқда. Шуларга муштарак равишда ўғил-қизларимиз замонавий талабларга жавоб берадиган мактабларда тахсил олаёпти. Қолаверса, 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 3 та болалар мусика ва санъат мактаблари, 1 та "Баркамол авлод" марказида навқирон авлод вакиллари қобилиятини ривожлантириш учун барча қулайлик муҳайё этилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, амалга оширилаётган янгиланишлар "Соғлом бола

йили" Давлат дастури қабул қилиниши билан янги босқичга кирди. Ушбу дастурда соғлом бола туғилиши, уни вояга етказиш, оилаларда муносиб тарбия муҳитини яратиш, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар ўз ифодасини топган. Хусусан, давлат дастурининг биринчи бўлимида айрим қонун ҳужжатлари, жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонунга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар ишлаб чиқиш, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари", "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунларни янги тахрирда тайёрлаш кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ахборот хуружлари кучаяётган ҳозирги даврда "Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш

ҳам шулар қаторидан ўрин олган. Мазкур қонун асосида болаларни уларнинг онгини бузувчи ва "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келаётган ёт гоёлардан муҳофиза қилишнинг ҳуқуқий механизми яратилади.

Юқорида алоҳида қайд этганимиздек, бугун юртимизда ёшлар камолоти учун кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда уларнинг тарбияси ва хулқига салбий таъсирларнинг, маънавий камолотига бўлаётган турли ахборот хуружларининг олдини олиш, "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлигини кенгайтириш, мактаб битирувчиларини касб-хунар таълимга тўлиқ қамраб олиш, бу борада ота-оналарнинг масъулиятини кучайтириш бўйича катъий чоралар қўриломоқда. Гап шундаки, айрим оилаларда фарзанд тарбиясига, таълим олишига етарлича эътибор кўрсатилмаётгани сабабли ёшлар таълимнинг кейинги босқичларига тўлалигича қамраб олинса-да, уларнинг ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари охирига етказилмаёпти. Баъзи ота-оналарнинг лоқайдлиги натижасида фарзандларимизнинг ўзига бўлган ишончи сўсайиб бормоқда.

Маълумки, амалдаги қонунчилигимизда, хусусан, Конституциямизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул

умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, "Таълим тўғрисида"ги Қонунда эса ота-оналар (қонуний вакиллар) вояга етмаган фарзандларининг ўн икки йиллик умумий мажбурий таълим олиши учун жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида эса ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслиги ҳамда бунинг оқибатида вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши борасидаги жавобгарлиги тартибга солинган. Бундан ташқари, кодекснинг 47-моддасига тегишли ўзгариш ва қўшимча киритилиб, болаларнинг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилганлик учун жарима жазоси жорий қилинди. Бу норма бир тарафдан, болаларнинг таълим олишига бўлган конституций ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилса, иккинчи тарафдан, уларнинг

Нафиса ЖУРАЕВА,  
Зангиота туман прокурорининг  
катта ёрдамчиси

таълим олиш сифатини, билим даражасини оширишга кўмаклашади. Шу билан бирга, ота-оналарнинг фарзандларининг умумий мажбурий таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур таълим муассасалари билан узвий алоқа боғлаб, болаларнинг дарсга мунтазам қатнашишини назорат қилиб боришдаги масъулиятини янада кучайтиради, вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишига ҳам кўмаклашади.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу борада нафақат давлат идоралари, айни пайтда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам масъулиятини кучайтириш давр талабидир.

## Гиёҳвандликка қарши биргалликда курашайлик

Гиёҳвандликка қарши курашиш узлуксиз жараён бўлиб, ҳушёрлик ва фаолиқни талаб қилади. Бойси, "заҳри қотиқ" деб номланувчи ушбу восита инсонни таназзулга етказиши билан бирга, унинг бевақў ўлимига, турли фожияларнинг келиб чиқишига, жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашда прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги буйруғи талаблари асосида Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тахлилларнинг кўрсатишича, 2014 йилнинг биринчи чораги давомида Хоразм вилояти ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ 33 та жиноят иши қўзғатилган. Вилоят ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар томонидан ҳудудда юзага келаётган тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда наркотрафик йўлини тўсиш, бу каби фаолиятни аниқлаб фож этиш, таркибиде наркотик моддалари бўлган ўсимликлар экилган майдонларни йўқ қилиш бўйича қатор махсус тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Хазорасп туман ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Карвак қишлоғида яшовчи фуқаро К.Аллабергандов ҳаридорда 0,95 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини 160 минг сўмга сотган вақтда ушланган. Унинг яшаш уйи кўздан кечирилганда 3 бўлакдан иборат 7,01 грамм миқдордаги шундай восита топилган. Гиёҳванд моддалар савдоси билан шугулланувчилар орасида

аёлларнинг борлиги янада ачинарлидир. Фарзандларини ёмон йўллардан қайтариш ўрнига уларни жиноят кўчасига бошлаётган оналарнинг қилмишларини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайдди. Питнақлик М.Мадиримова онаси З.Хожаева билан жиноий тил бичиртириб, героин гиёҳвандлик моддасини сотган пайтда кўлга олинган. Уларнинг уйдан 2,28 грамм "героин" ва 0,1 грамм "опий" гиёҳвандлик воситаси топилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида бундай жиноятлар натижасида олиб қўйилган гиёҳвандлик воситаларининг миқдори 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 13 килограмм кўпдир. Ушбу гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сақлаш, топшириш ва йўқ қилишда амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши доимий назорат остига олинган.

Ўтган даврда судлар томонидан 39 нафар шахсга нисбатан гиёҳвандлик билан боғлиқ 14 та жиноят ишлари қўриб қилиниб, айблов ҳукмлари эълон қилинди. Жумладан, хоразмлик фуқаро Ҳабибулла Самандаров 0,03 грамм героин гиёҳвандлик воситасини 100 минг сўмга сотган пайтда ушланди. Ўз навбатида Х.Самандаров бу воситани таниши Қувончбек Ҳўжаевдан сотиб олганини аниқлади. Шу тарихда гиёҳванд моддалар савдоси занжирисимон тус олиб, ўтган йилнинг кўз ойида доимий равишда айланиб турган экан. Кўза кунда эмас, кунда синди, дейилганидек, уларнинг жиноий фаолият-

Шухратжон АБДУЛЛАЕВ,  
Хоразм вилоят прокурори  
ўринбосари

ларига чек қўйилиб, айбдорлар қилмишларига яраша жазога тортилдилар.

Вилоят наркология диспансерининг маълумотларига кўра, шу йилнинг биринчи чораги давомида 15 нафар шахс гиёҳванд сифатида ҳисобга олинган бўлиб, 55 нафар шахс ҳисобдан чиқарилган. Фуқароларимиз гиёҳвандлик ботқоғига ботмаслиги учун барчамиз биргалликда ҳаракат қилишимизни замон талаб қилаётди.

Бу борада прокуратура органлари томонидан тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали чиқарил қилиниб, гиёҳвандликнинг оғир оқибатлари тақрор ва тақрор тушунтирилмоқда.

Инсон дунёга келар экан, бахтли яшашни оруз қилади. Йиллар ўтиб эса бу орузнинг қаторига фарзандларнинг роҳатини кўриш, қарилк гаштини суришдаги истаклар ҳам қўшилиди. Орузлар рўйи эса кўп жиҳатдан ўзимизнинг саъй-ҳаракатларимизга, амалий фаолиятимизга боғлиқ. Бугун юртимизда тинч ва оёқсизлик, фаровон турмуш кечиришимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улардан қўланган мақсад битта — у ҳам бўлса, қандай бўлмасин даромад орттириш эди. Афсуски, бу ишда унга ёрдам берадиганлар, антроғи, ҳирсини жиловлай олмаганлар ҳам топила қолди. Хуллас, зўриқ ишлатиш билан кўрқитиб, маълум миқдордаги пул эвазига бир неча фуқаро бу ерда "меҳмон" бўлишга муваффақ бўлади.



Инсоният тараққиёти асрлар давомида турли муаммоларга, регрессив жараёнларга бой бўлган. Жаҳон урушлари, глобал таҳдиллар, турли сиёсий инқилоблар тарихий тараққиётга салбий таъсир кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас.

## Тузоқ

Алимардон ПАРДАЕВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Нурота туман бўлими бошлиғи

Фан-техника тараққий этиб бораётган XXI асрга келиб эса инсоният олдида янги хавф-хатарлар пайдо бўлди. Уларни бартараф этиш ва салбий оқибатларининг олдини олиш инсониятнинг бундан кейинги барқарор тараққиётини белгилаб беради. Афсуски, инсон бугун ҳам долзарб муаммолар қарши-сида турибди. Уларнинг асл сабабчиси унинг ўзи бўлгани ҳолда, ҳал қилиш ҳам фақат унинг қўлидадир.

Башариёт олдида турган долзарб муаммолардан бири одам савдоси жиноятидир. Ҳозирда бутун дунёда авж олиб бораётган ҳамда тобора кўпроқ қурбонлар берилаётган, аллақачонлар "қора бизнес"нинг энг сардорлар турига айланиб улгурган ушбу жиноий ҳодиса инсоннинг узвий ва дахлсиз ҳуқуқларини поймол қилди, унинг қадр-қимматини камситилган ваҳшиёна қилмишлар.

Биз баён этмоқчи бўлган воқеа қаҳрамони ҳам юқорида қайд этганимиздек, "қора бизнес"ни йўлга қўйиб, вояга етмаган қизни шахвоний мақсадда сотишдек жirkanч жиноятни содир қилган. Зулайхо Маматова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2013 йил 3 январдан 30 январь кунига қалар 1998 йилда Нурота туманида туғилган, вояга етмаган Муқаддас Эрбобовани тумандаги А.Навоий ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган фуқаро Б.Раҳимовнинг уйда алдов йўли билан сақлаб келган. Бундан қўланган мақсад битта — у ҳам бўлса, қандай бўлмасин даромад орттириш эди. Афсуски, бу ишда унга ёрдам берадиганлар, антроғи, ҳирсини жиловлай олмаганлар ҳам топила қолди. Хуллас, зўриқ ишлатиш билан кўрқитиб, маълум миқдордаги пул эвазига бир неча фуқаро бу ерда "меҳмон" бўлишга муваффақ бўлади.

Суд бу каби оғир ва jirkanч жиноятларни содир этган судланувчи З.Маматовага қилмишига яраша жазо тайинлади. Кўпгина одам савдосининг қурбонлари ёшлар бўлиб қолдилар. Катта ҳаёт асосининг эндигина қалам кўяётган ҳамда тажрибасиз, қизикувчан ёшларнинг орасида энгил ҳаётга интилувчи, осонлик билан кўп нарсага эришини хоҳловчилар ҳам кўплаб учрайди. Бундайларнинг ҳаётида юқоридаги каби ҳодотлар содир бўлмаслиги учун биринчи навбатда ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериш, антроғи, улар орасида соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, бўш вақтларини тўғри ташкил қилишга кўмаклашиш лозим. Бундан ташқари, бундай масалаларда турли ёшлар ташкилотлари ҳамда жамоатчилик бирлашмаларининг иштирокини кенгроқ таъминлаш ҳам ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

# Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида

/Давоми.  
Бошланиши 1-бетда/

**гайриижтимоий хулқ-атвор** — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

**ҳуқуқбузарлик** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли гайри-ҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

**ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи** — жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс;

**ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

**ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс** — ўзининг гайриижтимоий хулқ-атвори хавфлиги тўғрисида ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

**4-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари**  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

**5-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;  
инсонпарварлик;  
тизимлилик;  
ишонтириш усулининг устуворлиги;  
таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш.

**6-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари қуйидагилардан иборат: ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;

ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;

ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси.

**2-боб. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари**

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқлашни ва амалга оширилишини таъминлайди;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади; иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига қуйидагилар кирди:

ички ишлар органлари; прокуратура органлари; Миллий хавфсизлик хизмати органлари;

адлия органлари; давлат божхона хизмати органлари; давлат солиқ хизмати органлари; меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари;

таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

**10-модда. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ички ишлар органлари: ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

мамлакатдаги, айрим минтақалардаги,

туманлар ва шахарлардаги криминаленг вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактика ҳисобига олишни амалга оширади; фаолиятни таққиланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;

паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

жиноятларни фож этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлейтган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирувида иштирок этади; ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Прокуратура органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан солиқ, валютага оид ҳуқуқбузарликлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Прокуратура органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Миллий хавфсизлик хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Миллий хавфсизлик хизмати органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ҳалқаро жиноий ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишни, миллий хавфсизликка улардан келиб чқувчи таҳдид даражасини баҳолашни амалга оширади, тегишли органлар ва муассасаларга зарур ахборотни тақдим этади;

тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Миллий хавфсизлик хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Адлия органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Адлия органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштириб боради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Адлия органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Давлат божхона хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Давлат божхона хизмати органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, тўлқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга оширади;

божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

божхона соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлили амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиладди.

Давлат божхона хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 15-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Давлат солиқ хизмати органлари: ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлайди ва амалга оширади;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблини, тўлиқ ва ўз вақтида тўлалиши устидан назоратни амалга оширади;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлили амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиладди.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 16-модда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлайди ва амалга оширади;

аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ишсизларни ҳисобга олишни ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиладди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 17-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини бо-

сувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини бо-сувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

таълим олувчиларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

таълим олувчилар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

таълим олувчиларнинг бандлигини ва бўш вақти мазмунли ўтказилиши таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ҳаммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўғарақлар, клублар ташкил этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиладди.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига:

ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақида; одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ҳақид ҳолатидан оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;

таълим олувчи шахс гайриижтимоий ҳулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;

ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 18-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлайди ва амалга оширади;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш бўйича ишларни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;

аҳоли ўртасида мунтазам тиббий текширувларни ташкил этади;

алкоголизмга, гиёҳвандликка, захарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;

ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;

одам савдосидан жабрланганларни

белгиланган тартибда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиладди.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ички ишлар органларига:

ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги ҳақида;

баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганини ҳақида; одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ҳақид ҳолатидан оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;

вояга етмаган шахс гайриижтимоий ҳулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;

ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 19-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлайди ва амалга оширади; табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлили амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиладди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 20-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари ҳузурида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар бажарилиши устидан назорат қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузар-

ликларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришда, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича ўзаро ҳамкорлигини яхшилашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир ахборотни тўплаш, сақлаш, ишловдан ўтказиш, таҳлил қилиш ҳамда ундан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш.

Таркибида ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин бўлган мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятининг ташкили шаклидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар зарур бўлган ахборотни, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олишга, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### 21-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотихорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

тегишли худудда жамоат тартибин таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишни ташкил этишда, вояга етмаган ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашди;

рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;

ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиладди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотихорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин.

#### 3-боб. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси

##### 22-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тўғрисида

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасида.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

# Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида

/Давоми.

Бошланиш 1, 4-5-бетларда/

## 23-модда. Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари куйидагилардан иборат:

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот; хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартаараф этиш ҳамда хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартаараф этиш тўғрисида тақдирномалар киритиш.

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

## 4-боб. Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси

### 24-модда. Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ва уни амалга ошириш асослари

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги хуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартаараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси.

Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун куйидагилар асос бўлади:

айрим турдаги хуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

### 25-модда. Илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари

Илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари куйидагилардан иборат:

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартаараф этиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз

ичига олиши мумкин.

### 26-модда. Алкоголни суиестемол қилувчи ёки гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари

Алкоголни суиестемол қилувчи ёки гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари куйидагилардан иборат:

гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки махсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мастлик ҳолатида, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартаараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш;

гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Алкоголни суиестемол қилувчи ёки гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

### 27-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### 5-боб. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси

#### 28-модда. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш шартлари ва асослари

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг fairyижтимоий хулқ-атвори, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маънавий шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг fairyижтимоий хулқ-атворини, хуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган хуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг fairyижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у хуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Хуқуқбузарликларнинг мажбурловчи

ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

### 29-модда. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари куйидагилардан иборат:

профилактика суҳбати; расмий огоҳлантириш; хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш; профилактик ҳисобга олиш; мажбурий даволанишга юбориш; маъмурий назорат.

### 30-модда. Профилактика суҳбати

Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтаришдан, fairyижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда хуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарлиқни тушунтиришдан иборат бўлади.

Профилактика суҳбати шахсни профилактик ҳисобга қўйишда ҳам ўтказилади.

Профилактика суҳбати хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган вакили томонидан ўтказилади.

Профилактика суҳбати хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита fairyижтимоий хулқ-атвор ёки хуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маънавий яшаш шароитлари, шунингдек fairyижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган хуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

Илгари ўтказилган профилактика суҳбати ижобий натижа бермаган ва шахс fairyижтимоий хулқ-атворини ёки хуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

### 31-модда. Расмий огоҳлантириш

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг fairyижтимоий хулқ-атворини давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни хуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

Расмий огоҳлантириш хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош торган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, уша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш

жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақли.

Расмий огоҳлантиришнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### 32-модда. Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, fairyижтимоий хулқ-атворини ҳамда хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини fairyижтимоий хулқ-атворининг ва содир этилган хуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

### 33-модда. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллаш

Хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан қўлланилади.

### 34-модда. Профилактик ҳисобга олиш

Профилактик ҳисобга олиш ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларга нисбатан уларнинг тузулиши ва тақридан хуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари мажмуидир.

Профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш тартиби ва шартлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланади.

### 35-модда. Ўзига нисбатан профилактик ҳисобга олиш юритилган шахслар

Профилактик ҳисобга олиш куйидаги шахсларга нисбатан юритилади: илгари судланганларга улар жиноий жазони ўтаганидан сўнг, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан муастасно;

ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний қучга кирган шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга;

ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларга;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165<sup>1</sup>, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 187, 188, 188<sup>1</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 201, 202, 202<sup>1</sup>, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликларни содир этганларга;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларга.

### 36-модда. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш асослари

Шахсни профилактик ҳисобга қўйишга куйидагилар асос бўлади: ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг ушбу Қонун 35-моддасининг олтинчи хатбошида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори;

ваколатли органининг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;

ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори;

суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми;

шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарори.

Бир шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилади.

### 37-модда. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тартиби

Ушбу Қонун 36-моддасининг биринчи қисмида қўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланганидан қарор чиқарилади. Мазкур қарор шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мансабдор шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарорда қарорни чиқарган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, у чиқарилган сана ва жой, у қайси шахсга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш, иш, ўқиш жойи) ва профилактик ҳисобга қўйиш асослари кўрсатилади. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни чиқарган шахс томонидан имзоланади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга кирди. Қарор ушбу шахсга тасдиқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида, у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса, унинг турган жойи аниқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида эълон қилиниши керак. Қарор эълон қилинганда шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, бу ҳақда қарорда қайд қилинади.

Шахснинг хулқ-атворини назорат қилиш ва унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш мақсадида шахс профилактик ҳисобга қўйилган кунда ички ишлар органлари томонидан профилактика иши очилади.

### 38-модда. Шахсни профилактик ҳисобга олиш мuddати

Шахсни профилактик ҳисобга олиш у профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилади.

Агар профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш даврида ушбу Қонун 36-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган янги асослар вужудга келса, шахсни профилактик ҳисобга олиш мuddатини ҳисоблаш шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан амалга оширилади.

### 39-модда. Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш асослари

Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш қўйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда амалга оширилади: профилактик ҳисобга олиш мuddатининг тугаши; реабилитация қилувчи асосларга қўра жиноят ишини тугатиш тўғриси-

да терговчи ёки прокурор томонидан қарор қабул қилиниши ёки суднинг оқлов ҳукмининг қонуний кучга кириши;

суднинг шахсни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилиш тўғрисидаги айблов ҳукмининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурият чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг қонуний кучга кириши;

қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиши;

шахснинг мuddатидан олдин тўлиқ тузалганлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги; профилактик ҳисобда турган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига қонунда белгиланган тартибда чиқиб кетган тақдирда;

профилактик ҳисобда турган шахснинг вафот этиши.

Ушбу мuddанинг биринчи қисмида қўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг раҳбари томонидан тасдиқланганидан қарор чиқарилади.

Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тўпланган материаллар суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш кун ичида ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш учун тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилади.

Профилактик ҳисобда турган шахс доимий яшаш жойини ўзгартирган тақдирда, ушбу ҳисобга олиш янги доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади.

### 40-модда. Шахсни мажбурий даволанишга юбориш

Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва жамиятнинг ахлоқига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари "Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволалаш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мажбурий даволанишга юбориш бўйича чора-тадбирларни қўради.

### 41-модда. Ички ишлар органларининг маъмурий назорати

Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловларни қўллашдан иборат бўлади.

Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

### 42-модда. Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар:

ўзига нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билишига;

ўзига нисбатан тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишишига;

илтимослар қилишига; юридик ёрдам олишига; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси-ни бевосита амалга оширувчи органининг ёки муассасанинг қарорлари,

мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши шарт.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 6-боб. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси

#### 43-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчаси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси-ни бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг.

#### 44-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари қўйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни қўриш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш; ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида баҳардор қилиш;

ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охири зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурда ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қўтқарув хизматларини ташкил этиш;

профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартафат этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

#### 45-модда. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатув-

#### чи ихтисослаштирилган муассасалар

Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкин. Ихтисослаштирилган муассасалар ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатади.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни тузиш ва уларнинг ишини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### 7-боб. Яқинловчи қондалар

#### 46-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қафолатлари

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари чекланишига, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалада бўлишга, шахсий ҳаёт, ёзғималар, телефонда сўзлашувлар, почта, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сир сақлиниши, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиши ва яшаш жойини танлаш, шунингдек шахсий дахлсизлиги, уй-жой дахлсизлиги бузилишига йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўзига нисбатан профилактика чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органининг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

#### 47-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг молиявий ва моддий-техника таъминоти

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг молиявий ҳамда моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Фаолияти ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оид чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат ижтимоий буюртмани жойлаштириш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар воситасида қўллаб-қувватлади.

#### 48-модда. Низоларни ҳал этиш

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### 49-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### 50-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

#### 51-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

# Кулфат келтирган иллат

Ақ-нароки ила эзгу мақсаллар сари интилган, оиласи ва атрофлагарига нафи тегадиган ишларга бел болаган инсон борки, жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Аммо, таассуфлар бўлсинки, орамизда ақлининг йўригидан чиқиб, иймонга зид ишлар қиладиган кимсалар ҳам учраб туради.



Бундайлар қинғир қилмишлари билан нафақат ўзларига, балки бутун жамиятга зарар етказадилар. Термизлик Бахтиёр Достонов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) 40 ёши қоралган, муқаддам ноқонуний қилмишлари сабаб бир неча бор судланиб, жавобгарликка тортилган бўлишига қарамай, ақл-хушини йиғиб олмаганлардан чиқиб қолди.

Ёзнинг жазирасида аксария-

ят одамлар соя-салқинга талпиниб, томоқларини муздай сув билан хўллаб олишни хуш кўрсалар, Б.Достонов "шайтон суви"дан симиришни маъқул кўрди. У 2013 йилнинг 21 июль куни бозор айланиб, уйига қайтар экан, 150 грамм "отиб" олишни ҳам унутмади. Спиртли ичимликлар қандай кулфатларга олиб келиши, одамни инсонийлик қиёфасидан чиқариб, не-не балоларга гирифтор қилиши ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожаги бўлмас керак. Зеро, Бахтиёр Достоновнинг мастликдаги хатти-ҳаракатлари бунга мисол бўла олади.

Бироз кайфи ошган Бахтиёр маҳалласига келгач, кўча бошида кўшиси Азамат Рустамов билан тўқнаш келиб қолди. Ҳеч бир сабабсиз гап талашиб қолган кўшинлар кўп ўтмай кучларига "эрк" берди. Спиртли ичимлик таъсирида шерга айланган Бахтиёр яқин жойдаги хонадоннинг темир

Нурмухаммад РАЖАБОВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

панжарасидан бир бўлагини кўчириб олиб, кўшнисига ҳамла қилди. У қўлидаги темирни А.Рустамовнинг кўкрак қисмига бир неча мартаба санчиб олди. Бунинг натижасида жабрланувчи воқеа жойида ҳалок бўлди.

Қонун устувор юрда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Маст ҳолатда кўшиси билан мурося қила олмай, унинг жонига қасд қилган Бахтиёр Достоновга жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди томонидан 19 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Суд-наркологик экспертизасининг хулосасига қараганда, Бахтиёр сурункали алкоғолизм касаллигига чалинган экан. Кўриниб турибдики, у ўзига хавфли иллатни юқтириб бўлган. Ичкиликбозлик бамисоли одам танасидаги тузалмас ўсимтадир. Бу ўсимта вақтида олиб ташланмас экан, бу иллатга гирифтор бўлган одамлар юқоридаги ҳолат каби ўзи қолиб, ён-атрофдагиларга, бошқача қилиб айтганда, жамиятга кулфат келтириши турган гап.

Бир дастурхон атрофила ўтириб, улфатчилик қилаётган танишлар кайфлари ошиб жанжаллашиб қолиши. Аввалга гап талашиб, кейин муштлашув бошланиб, бироз олаин бир-бирининг соғлиги учун май кўтараётган шишадошлар қўлларига пичоқ олиши.

## Охири фожиали йўл

Талиб ТУРАЕВ,

Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси

Афсуски, баъзан бирга ўтириб спиртли ичимлик истеъмол қилган одамларнинг кайфи ошиб қолганидан кейин арзимас гап-сўз сабаб келишолмай қолиб, бир-бирининг жонига қасд қилишгача бориши ҳам аччиқ ҳақиқат. Халқимиз орасида "Ичкилик иллат — келтирар кулфат", деган гап ҳам бежиз пайдо бўлган эмас. Қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган жиноят тафсилотлари иштирокчиларининг ҳам ичкилик ортидан бошларига кулфат ёғилди.

Салкам 50 ёшга яқинлашиб қолган Баҳодир Азимов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) таниши Шербек Соипов билан учрашиб қолди-ю, икковлон бироз "отамлашиш" мақсадида пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги ошхоналардан бирига киришди. Тамадди учун берилган бюртмалар орасида спиртли ичимлик ҳам бор эди. Ичкилик баҳона "дардлашиб" ўтиришганида Александр Жирков исмли шахс билан танишиб қолишди. Александр меҳмондўст чиқиб қолиб, уларни ўз хонадонига таклиф қилди. Бу таклиф маишатбозликни хуш кўрувчи икковлон учун айни мудоаа бўлди.

Вақт алламаҳал бўлганда яқиндагина танишишган одамнинг уйи томон йўлга чиқишди. Александрнинг хонадонига кириб боришганида, уларга Сарвар Шокиров ва Тимур Алиевлар пешвоз чиқишди. Улфатлар сафи кенгайиб, ичкиликбозлик авжига чиқди. Суҳбат ва "олдик-олдик" қизиб, вақтнинг ўтганини, тун ўтиб, тонг бўзариб келаётганини ҳам сезмай қолишди. Бу пайтда пайдар-пай ичилган спиртли ичимлик ўз кучини кўрсатиб, Баҳодир билан Тимурнинг гаплари қовушмай қолди. Сабаби, Тимур эртаси кун сукуллик ишга бориши, чарчаганлиги ва вақт алламаҳаллиги ҳақидаги гаплари Баҳодирга уни менсимаятгандек туюлаверди. Бу эса икковнинг гап талашиб қолишига олиб қолди.

Ўзини камситилган дея ҳисоблаган Б.Азимовнинг миёсиди энди зимдан ўч олиш режаси шаклланиб, орани очиб қилиб олиш мақсадида Тимурни ювиниш хонасига чақирди. Унинг ёвуз ниятидан беҳабар Т.Алиев қутилмаган ҳужумга дучор бўлди. Баҳодир ошхона пичоғи билан "рақиб"ни ташлашиб, унинг қорин ва кўкрак соҳаларига зарба берди. Бақир-чақирдан хушёр торган Сарвар Ювиниш хонаси томон ошиқди. Кўзи қонга тўлган Баҳодирнинг оғайнисига пичоқ билан ҳужум қилаётганини кўриб, Тимурни ҳимоя қилмоқчи бўлди. Унинг ўртага тушиши Баҳодирнинг қонини қайнатиб юборди. У энди Тимур қолиб, Сарварга ташланди. Қуролланган одамга кучлари етмаслигига кўз етган икковлон Александрни ёрдамга чақирғида.

Бир муддат аввал бир-бирига мулозимат кўрсатиб, "олинг, олинг" қилиб ўтирган шишадошларнинг жанжали тобора авж олиб борарди. Энди ур-тўполонга хонадон соҳибига ҳам аралашishi мажбур бўлди. У оғайниларга ташланаётган Баҳодирнинг қўлидан пичоқни тортиб олмақчи бўлди. Аммо Б.Азимов унга бўйсунмай, қўлидаги совуқ қурол билан хонадон соҳибига ташланди ва унинг кўкрак, қорин ва бел соҳаларига бир неча бор пичоқ уриб, А.Жирковнинг ҳаётига зомин бўлди.

Баҳодирга ҳеч қандай восита билан қарши чиқолмаслигига ақли етган, ҳамма жойи қонга бўялиб кетган Тимурнинг кўнага отилиб чиқиб кетишдан ўзга чораси қолмайди. Бироқ, кўп қон йўқотиши оқибатида ҳолсизлашиб қолган Тимур кўчада хушини йўқотиб, йиқилади. Ўзига келганида эса тез ёрдам ва ИИБ ходимлари теласида туришганини кўради.

Ичкиликбозлик ортидан икки йилгитининг жонига қасд қилиб, уларга оғир тан жароҳати етказган ҳамда уни уйига таклиф қилган Александр Жирковнинг қотилига айланган Б.Азимовга жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан ўн саккиз йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Умид қиламизки, энди у умрининг анчагина қисмини панжара ортида ўтказиб, ичкилик сабаб бошига келган кулфатдан тегишли хулоса чиқаради.



## Фирибгарнинг «тегирмонига сўв қўймавганг»

Ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билган, ҳуқуқий саводхон инсон ниманинг қонунга тўғри келиши ва ниманинг қонунга зид келишини дарҳол англайди. Ноқонуний иш учун жавобгарлик борлигини тушуниб етди. Фирибгар ёки товламачининг тўрига ҳеч қачон илмайди. Афсуски, одамлар орасида фирибгарларнинг ёлгон ваъдаларига ишониб, алланиб қолаётганлар учраб турибди.


Саломат Абдиева (исм-фамилиялар ўзгартрилган) илгар-ри ҳам фирибгарлик жинойти содир қилиб, суднинг қора курсида ўтирган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармади.

У бошқаларга ўхшаб пул топиш, рўзгорини тебратиш учун бир жойда ёлчичиб ишламади, ўзини ҳар ёнга урмади. Бор-йўғи таниш-билишларига "қўшига кириш истагида бўлганларни менга рўпара қилиб юбораверинг", деган мазмунда гап қистириб қўйишни одат қилди. Натижа у кутганидан ҳам аъло бўлди: фарзанди ёки таниш-билишини ўқишга жойлаш истагида юрганлар уни йўқлаб кела бошлашди.

Шундай кунларнинг бирида унга фуқаро Т.Келдибаева дуч келади. Албатта, тасодифан эмас. Анчадан буён келиннинг педагогика университетига ўқишга жойлаш ҳаракатида юрганида қимдир унга С.Абдиеванинг таърифини етказган эди. Хуллас, "ҳар қандай олий ўқув юрти-ю, коллежларда таниши бор" Саломат опани Т.Келдибаеванинг ўзи йўқлаб келади.

С.Абдиева "мижози"ни тинглар экан, қўл телефонида қимлар биландир аллақандай олди-бердилар, валломат танишлари ҳақида гапллашиб ҳам қўяди. Сўнг мудоага кўчди: "Хабарингиз бўлса керак, олий ўқув юртиларига кириш йил сайин қийинлашиб борапти. Лекин сиз айтган университетда ишончли танишларим бор. Улар билан гаплашиб кўриб, жавобини телефон орқали айтаман". Шу кун у Т.Келдибаевага телефон қилиб, гўёки танишлари билан гапллашган, ишни ҳал қилган одамдай ишонч билан гапира бошлади: "Ишни ҳал қилдим, фақат пулини тезлаштириш керак".

Т.Келдибаева фирибгар аёлнинг гапларига лаққа тўшди. Ўша кунгёк 3400 АҚШ доллари ва 750 минг сўмни унга санаб берди. Аммо кутганидай келини университет талабаси бўлмади. Алданганини тушуниб етганида орадан анча вақт ўтиб кетган эди.



Расулжон БОТИР ўғли,

Олмазор туман прокуратураси катта терговчиси

Т.Келдибаева ҳам унчалик анойи эмас экан: ишни битириш ёки пулни тез фурсат ичида қайтариш шarti билан С.Абдиевани сикўвга ола бошлади.

Лекин, С.Абдиева бошқача йўл таплади. "Келини ўқитиб нима қиласиз? Тўрт йил кетади. Яна ҳар йили контракт пулини тўлаштингиз керак. Яхшиши унга диплом тўғрилаб бераман..."

Т.Келдибаева йўлаб кўрди, таниш-билишларига маслаҳат солди. Сохта диплом билан узоққа бориб бўлмастлигини тушунтирганлар ҳам бўлди. Аммо вақтдан ва пулдан ютиши мумкинлигини ўйлаб, С.Абдиеванинг таклифига рози бўлди. Айтилган вақтда ундан қалбаки дипломни олиб кетди. Оқибатини ўйламагани учун вақти келиб, бундан жуда қаттиқ пушаймон бўлди.

Афсуски, С.Абдиева ва унинг ҳамтовокларининг фириб тўрига тушган фақат Т.Келдибаева эмас экан. Фирибгар аёл 2003 йилда А.Рўзибоевдан ўғлини Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетига қиритиб қўяман, деб 4000 АҚШ долларини, 2012 йилда А.Раҳмоновдан қизини Тошкент Давлат педагогика университетига қиритиб қўйиш учун 2500 АҚШ долларини, Ж.Нозимовдан танишини Бухоро Давлат университетига "жойлаб" қўйиш учун 1000 АҚШ долларини, Д.Сафоевдан Тошкент Тиббиёт Академиясининг Олий ҳамширлик курси факультетига қиритиб қўйиш учун 2000 АҚШ долларини, Б.Раҳимовдан жиянини мазкур академиянинг жарроҳлик факультетига "гранд" асосида қиритиб қўйишни ваъда қилиб, 12000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Худди шу йўсинда С.Абдиева ўнлаб фуқароларни алдаб, уларнинг пулларини жигилдонига урган экан.

Фирибгарнинг ваъдаларига ишониб ҳеч тушган фуқаролар ҳуқуқ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилишганларидан кейин фирибгар аёл фаолиятига нукта қўйилди. Дастлабки тергов давомида С.Абдиеванинг қилмишлари фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг ҳукми билан у тегишли жазосини олди.

Хулоса тарзида айтадиган бўлсак, фирибгарга алданмаслик учун, аввало, тўғри ва қонуний йўлни танлаш, қолаверса, бироз хушёрроқ бўлиш талаб этилади.



# Суриштирув ва тергов органларининг ҳамкорлиги

## бу борада хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилиги

**Жиноятнинг тез ва тўлиқ очилиши, айбланувчининг жиноий жавобгарликка тортилиши суриштирув ҳамда дастлабки тергов органларининг биргаликда йўлга қўйилган ишига кўпроқ боғлиқ. Уларнинг ҳаракатларини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш дастлабки терговнинг самарадорлигини оширишнинг зарур шarti ҳисобланади.**

Ўзбекистонда суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолияти тарихига назар солар эканмиз, XX асрнинг биринчи ярмига қадар тарихий адабиётларда ушбу институт тўғрисида ҳеч қандай маълумот қайд этилмаганлиги боис, мазкур институт ҳақида фикрлар мавжуд эмас. "Дознание", яъни суриштирув атамаси биринчи марта 1864 йилги Россия суд низомларида ишлатилган. Уша пайтларда жиноят ҳақида етиб келган хабарнинг (мишмиш маълумотларнинг) ҳақиқий ёки ёлғонлиги, жиноят ҳодисаси юз берган ёки юз бермаганлиги дастлабки кидирув орқали аниқланган. Бунда суриштирув дастлаб маъмурий-полиция фаолиятида акс этиб, непроцессуал, яъни процессуал хусусиятга эга бўлмаган ҳаракатларни амалга оширган.

Охириги йилларда олиб борилган илмий ишларнинг кўпчилиги терговчи ва суриштирув органнинг ўзаро ҳамкорлигига бағишланган. Жиноят процессуал ҳуқуқи соҳасида изланиш олиб борган олимларнинг илмий-назарий таҳлили шуни кўрсатдики, терговчи ва суриштирув органи ўртасида бўладиган муносабат кўпроқ ўзаро муносабат ёхуд ҳамкорлик деб номланади.

Терговчи ва суриштирув органи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг асосий кўп учрайдиган икки: процессуал ва ташкилий муносабат шакллари мавжуд.

Ўзаро муносабатнинг процессуал шаклига суриштирув органининг:

- терговчининг топшириқ (кўрсатма)ларини бажариши;
- жиноят ишини кўзга тутиш босқичида терговчига ёрдамлашиши;

- терговчи томонидан тергов ҳаракатлари юритишда суриштирувчиларни жалб қилиши;

- тергов йўли билан қўлга киритилган маълумотлардан терговчининг фойдаланиши;

- терговчи талабига мувофиқ, танишиб чиқиш ёки жиноят ишига қўшиб қўйиш учун суриштирув органлари доимий равишда зарур ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим қилиши;

- жиноят иши юзасидан терговчи билан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириш чоғида келишилган биргаликдаги

фаолият кабилар қиради.

Амалиётда ўзаро муносабатнинг қуйидаги ташкилий шакллари қўлланилиши кузатилади:

- терговчи ва суриштирув органи ходимининг жиноят содир бўлган жойга биргаликда чиқиши;

- суриштирув органи томонидан оғир ва ўта оғир жиноят ҳақида терговчини дарҳол хабардор қилиш;

- оғир, мураккаб ва сермашаққат ишларни тергов қилиш учун тезкор-тергов гуруҳи тузиши;

- тезкор-тергов ҳаракатларини ҳамкорликда режалаштириш;

- жиноятларни тергов қилиш жараёнида маълумотлар юзасидан ўзаро фикр алмашиш;
- жиноятнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар қўриш ва кенг жамоатчилик ўртасида чиқишлар қилиш, тушунтириш ишлари олиб бориш.

Мазкур соҳага оид хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилсак, тергов ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги соҳасида айрим ўзига хосликларни кўриш мумкин. Хусусан, Англия, АҚШ давлатларида суриштирув ҳамда тергов органлари муносабати ҳақида алоҳида нормалар мавжуд эмас, уларнинг фаолияти полиция таъқибни номи остида ички йўриқномалар асосида олиб борилади.

Япония (Германия шакли) ва Хитойда (аралаш шакл) суриштирув ва дастлабки тергов аралашиб кетганлиги боис, ЖПК нормаларида уларнинг муносабатини алоҳида тартибга солувчи моддалар мавжуд эмас.

Германияда терговнинг асосий шакли саналмиш суриштирув ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Айрим мамлакатларда (масалан, Франция, Озарбайжон, Тожикистон) дастлабки терговдан олдинги босқич ёхуд унинг мубоқбили ҳисобланади.

Россия, Белоруссия, Қозоғистонда дастлабки терговнинг мубоқбили ҳисобланса, дастлабки терговдан олдинги босқич сифатида қуйидаги давлатларда намоён бўлади (Австрия, Греция, Испания, Арманистон, Украина).

Англо-саксон (англо-америкача) ҳуқуқ тизимида бўлган давлатларда суриштирув кўпроқ Россия ва Қозоғистондаги суриштирувнинг

шаклига ўхшайди.

Португалия, Нидерландия, Италия давлатлари дастлабки терговдан воз кечиби, кўпроқ суриштирув юритилишига имкон яратилишининг тарафдори ҳисобланади. Германияда улардан фарқли равишда дастлабки терговдан умуман воз кечилиб, суриштирув терговнинг асосий шакли сифатида тан олинган. Эстония ва Молдова эса суриштирувдан умуман воз кечган.

Қирғизистонда суриштирув органлари жиноят процессининг иштирокчиси сифатида ёрдамчи характерга эга бўлган жиноят судлов ишини юритишни назарда тутди. Лекин бу ҳам терговнинг тўлиқ шакли мавжуд дегани эмас.

Грузия, Молдова, Эстония каби давлатларда суриштирув органлари мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг қатор мустақил давлатлар ичида биринчи бўлиб, 1994 йил 22 сентябрда Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК)ни қабул қилди. Бу албатта, ижобий ҳолдир. Юқоридаги фикрни қуйидаги айрим маълумотлар билан асослаймиз: Қозоғистон Республикасида ЖПК 1997 йил 13 декабрь, Арманистон Республикасида 1998 йил 1 июль, Қирғизистон Республикасида 1999 йил 30 июль, Белоруссия Республикасида 1999 йил 16 июль, Озарбайжон Республикасида 2000 йил 14 июль, Россия Федерациясида 2002 йил 1 июль, Молдова Республикасида эса 2003 йил 12 июндан қучга кирган.

Молдова Республикаси жиноят процесси суриштирув институтидан умуман воз кечган. Барча жиноят ишлари юзасидан жиний таъқиб олиб борилади. ЖПКнинг 56-моддасига мувофиқ, жиний оғирлик Ички ишлар вазирлиги, Молдова Республикаси ахборот ва хавфсизлик хизмати, божхона департаменти, иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши марказ томонидан амалга оширилади.

Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 214.2.1.-моддасига мувофиқ эса, суриштирув Озарбайжон Республикасининг ижро этувчи органлари томонидан амалга оширилади. ЖПКнинг 214.2.2.-моддасига мувофиқ, суриштирувчи ваколатларини ҳарбий қисм командирлари, ҳарбий муассаса бошлиқлари, қамоқда сақлаш жойлари ёки жазога ўташ муассасаси бошлиқлари, денгиз кема капитанлари ва бошқа мансабдор шахслар амалга оширадilar. Суриштирув органлари жиноят-процессуал фаолияти ЖПКнинг 86, 214-215, 293-297-моддалари билан

тартибга солинади.

Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 214.1.1.-моддасига мувофиқ, дастлабки тергов ўтказилиши шарт бўлган жиноят ишлари юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш, ЖПКнинг 214.1.2.-моддасига мувофиқ, суриштирувнинг иккинчи шакли соддалаштирилган тартибда судгача иш юритиш деб номланиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва аниқ жиноятлар юзасидан ўн кунлик муддатда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш билан тамомланади. Иккинчи шаклдаги суриштирув Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган 16 тартибдаги жиноят ишлари юзасидан олиб борилади.

МДХ орасида сон жиҳатдан энг кўп суриштирув органлари айнан шу давлатда бўлиб, фикримизча, бу тўғри. Чунки ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят ишлари юзасидан суриштирув органларининг ўрнини боса оладиган механизм ярата олиш мушкул вазиға ҳисобланади.

Қирғизистон Республикаси ЖПКда бир қанча суриштирув органлари санаб ўтилгани билан, уларнинг фаолияти аниқ тартибга солинмаган. Фақат ЖПКнинг 38-моддаси суриштирув органларини санаб ўтган ва вазиғаларини белгилаб берган. Суриштирув юритишнинг процессуал тартиби тўғрисида тўхталиб ўтилмай, ЖПКнинг турли моддаларида, яъни тарқоқ ҳолда суриштирувни юритишни тартибга солган. Масалан, ЖПК 155-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, суриштирув органи содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар ёки аризани кўриб чиқиш ва рўйхатга олишга мажбур. Шунингдек, 157-модда(содир этилган жиноят ҳодисаси юзасидан суриштирув органи ҳаракати)сига мувофиқ, суриштирув органи содир этилган жиноят ҳодисаси юз берган жойни қўриқлаши, жиноят изларини сақлаши, шунингдек, жиноят содир этган шахсни топиш, ўриланган мулкни кидириш, иш учун аҳамиятли фактис маълумотларни аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказида. Қирғизистон Республикасининг ЖПК моддаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЖПК қайси органлар суриштирув органи эканлигини белгилаб берган, холос. Суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолияти Қозоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКлари сингари тартибга солинмаган.

**Бахтияр АБДУВОХИДОВ,**  
Бош прокуратуранинг  
ОЎК тингловчиси

Юқоридагилар, яъни хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини қиёслаш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятга доир ишларни (масалан, 109, 277-модда 1-қ, 223, 224, 227 ва ҳ.к.) дастлабки тергов босқичига ўтказмасдан суриштирув жараёнининг ўзида тамомлаб, кейинчалик судга ўтказиш масаласини ҳал этиш учун прокуратурага ўтказиш институтини жорий этиш лозим. Бу терговчиларнинг иш юритишда бўлган ишлар ҳажмини камайтириш, иш юритишдаги жиноят ишлари терговчи сифатини яхшилаб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлашга ёрдам беради.

2) Бу борадаги суд-тергов амалиётини ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилигини тадиқ этиш асосида суриштирув мuddатини йигирма суткага узайтириш таклифи ишлаб чиқилди. Бундай амалиёт суриштирув органлари фаолиятининг самарадорлигини оширади. Шунга мувофиқ, ЎзР ЖПК 341-моддасига суриштирув жиноят иши кўзга тутиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, ишни судга тайинлаш учун прокурорга юборгунга қадар йигирма суткадан ошмаган мuddатда тамомланиши лозимлиги, ушбу мuddат суриштирув органи бошлиги томонидан ўн суткагача узайтирилиши мумкинлиги ҳамда суриштирув мuddатини узайтиришнинг тўғрисидаги қарорнинг нуқсаси назоратни амалга бoрyвчи прокурорга дарҳол юборилиши кераклиги тўғрисида норма киритилиши лозим.

3) Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган 31 та модданинг барчаси МДХ мамлакатлари "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни мазмунидан келиб чиқилган бўлиб, унинг бир қатор моддаларида, хусусан, 8, 14-, 23-моддаларда илгари қонунчилик тизимимизда мавжуд бўлмаган янги тушунчалар қўлланилган. Уларнинг амалиётда қўлланилиши ҳамда тушунилиши бўйича бир қатор тушунмовчиликлар келиб чиқаётгани боис, ушбу қонунни шарҳлаш бўйича алоҳида илмий-амалий қўлланма ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.





# XALQ BANKI

Государственно-коммерческий Народный банк представляет новые срочные виды вкладов в национальной валюте:

## «Соғлом бола»

- срок вклада – до достижения вкладчиком 7 лет;
- первоначальный взнос – не менее 10 тысяч сум;
- возможность пополнения вклада;
- по окончании срока вклада средства, находящиеся во вкладе, могут быть выданы в наличной форме либо в безналичной форме в виде оплат по предоставленным услугам или купленным товарам.

## «Коммунал тўлов»

- срок вклада – 1 год;
- первоначальный взнос – не ограничен;
- пополнение вклада не предусмотрено;
- по желанию вкладчика часть процентов со вклада может быть перечислена в счет оплаты за коммунальные услуги, а часть выдана по первому требованию вкладчика в той форме, в которой были вложены средства во вклад.

## «Калдирғоч»

- срок вклада – 6 месяцев;
- первоначальный взнос – не менее 100 тысяч сум;
- пополнение вклада не предусмотрено;
- средства принимаются во вклад в наличной форме, сумма вклада и проценты выдаются по окончании срока вклада.

## «Капитал»

- срок вклада – 1 год;
- первоначальный взнос – не ограничен;
- пополнение вклада не предусмотрено;
- по желанию вкладчика проценты со вклада могут быть выданы авансом одновременно в день осуществления вклада либо в течение определенного периода по первому требованию клиента.

Телефон для справок:  
8-800 - 200-00-55

Услуги лицензированы

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**  
Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси  
Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси оммавий офертага таклиф этади.



Қуйидаги давлат активлари бўйича оммавий оферта эълон қилинади:

1. Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, "Хитой" ҚФЙ, "Дектор" қишлоғида жойлашган Шахрисабз туман Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги "Кўрғон-Дектор" фельдшер-акушерлик пункти биноси бўйича:

Объектнинг умумий ер майдони 425,0 м<sup>2</sup>, шундан бино ва иншоотлар умумий майдони 91,52 м<sup>2</sup>.

Шахрисабз туман ҳокимлигига қарашли Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги "Кўрғон-Дектор" фельдшер-акушерлик пункти биносига 26 197 100 (Йигирма олти миллион бир юз тўқсон етти минг бир юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш ҳақида объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

2. Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, "Қунчиқар" МФЙ, "Саксонкана" қишлоғида жойлашган Шахрисабз туман Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги "Саксонкана" фельдшер-акушерлик пункти биноси бўйича:

Объектнинг умумий ер майдони 86,40 м<sup>2</sup>, шундан бино ва иншоотлар умумий майдони 86,40 м<sup>2</sup>.

Шахрисабз туман ҳокимлигига қарашли Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги "Саксонкана" фельдшер-акушерлик пункти биносига 36 015 754 (ўттиз олти миллион ўн беш минг етти юз эллик тўрт) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш ҳақосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

3. Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Қизилтепа ҚФЙ, Нагаҳон қишлоғида жойлашган Қамаш туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Клуб" биноси бўйича:

Объектнинг умумий ер майдони 2737,5 м<sup>2</sup>, шундан бино ва иншоотлар умумий майдони 933,48 м<sup>2</sup>.

Қамаш туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Клуб" биносига 295 714 926 (икки юз тўқсон беш миллион етти юз ўн тўрт минг тўққиз юз йигирма олти) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш ҳақосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

4. Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, "Деҳқонobod" ШФЙ, "А.Навий" кўчасида жойлашган Деҳқонobod туман

Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Стоматология поликлиникаси" биноси бўйича:

Объектнинг умумий ер майдони 2781,74 м<sup>2</sup>, шундан бино ва иншоотлар умумий майдони 414,57 м<sup>2</sup>.

Деҳқонobod туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Стоматология поликлиникаси" биносига 81 221 154 (саксон бир миллион икки юз йигирма бир минг бир юз эллик тўрт) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш ҳақосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

5. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Ғ.Ғулом МФЙ Ғузор кўчаси 10-уйда жойлашган Қарши шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Омборхона" биносининг бир қисми бўйича:

Объектнинг умумий ер майдони 886,58 м<sup>2</sup>, шундан бино ва иншоотлар умумий майдони 886,58 м<sup>2</sup>.

Қарши шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Омборхона" биносининг бир қисмига 299 450 130 (икки юз тўқсон тўққиз миллион тўрт юз эллик минг бир юз ўттиз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш ҳақосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

6. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, "Хонтена" МФЙ, "Насаф" кўчаси 10а-уйда жойлашган Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тизимидаги Қарши магистрал канали ирригация тизими бошқармасига қарашли "Автогараж" биноси бўйича:

Объектнинг умумий ер майдони 4200,23 м<sup>2</sup>, шундан бино ва иншоотлар умумий майдони 881,60 м<sup>2</sup>.

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тизимидаги Қарши магистрал канали ирригация тизими бошқармасига қарашли "Автогараж" биносига 213 556 431 (икки юз ўн уч миллион беш юз эллик олти минг тўрт юз ўттиз бир) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш ҳақосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

7. Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, "Қайнарбулоқ" ҚФЙ, "Ғус" қишлоғида жойлашган "Китоб автоўл" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоз давлат улуши бўйича:

"Китоб автоўл" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоз давлат улушига 792 810 320 (етти юз тўқсон икки миллион саккиз юз ўн минг уч юз йигирма) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш ҳақосини таклиф этиш.

8. Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, "Навий" МФЙ, "Гулшаний" кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган "Қамаш туманларида улгуржи чакана савдо ишлаб чиқариш" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоз давлат улуши бўйича:

"Қамаш туманларида улгуржи чакана савдо ишлаб чиқариш" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоз давлат улушига 379 037 832 (уч юз етмиш тўққиз миллион ўттиз етти минг саккиз юз ўттиз икки) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш ҳақосини таклиф этиш.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар 2014 йилнинг 30 июнь куни соат 15:00 да Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси 43-уйда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг мажлислар залида очилади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш санаси ва вақти: 2014 йил 2 июнь кунидан (ҳар ҳафта душанбадан жума кунига қадар соат 9:00дан бошлаб 18:00гача) 2014 йил 30 июнь кунига соат 12:00гача.

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган саналдан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Талабгорлар давлат вақти бошлангич нархининг 15 фозини миқдоридан олдиндан Сотувчининг қуйидаги банк реқвизитларига закалат пулини тўлаши лозим:

Олувчининг номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги;  
Олувчининг ҳисоб рақами: 234020003001000001010;

Олувчининг банк: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХҚКМ;  
ИНН: 201122919; Олувчининг банк коди: 00014.

Талабгор томонидан кўрсатилган реқвизитлар бўйича тўловлар амалга оширилганда тўлов топшириқномасининг "Тўлов мақсади" қисмида маблағлар ўтказиш учун асослар билан биргаликда "Давлат рақобат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси учун 20042186010401000000000001 шахсий ҳисоб рақамига" сўзлари кўрсатилади.

Оммавий оферта савдоларига қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий оферта савдосига қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномани кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўловларининг тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

Оммавий оферта савдоси ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги озги ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақалар талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Мурожаат учун манзил:** 180112, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри А.Темур кўчаси 43-уй.

**Маълумотлар учун телефонлар:** (8375) 225-03-11, 225-02-48. Факс: 225-02-31.

**E-mail:** gkikashkadarya@mail.ru

Мазкур давлат активларининг савдога қўйилиши юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади. Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдолар ўтказилиши жараёнида қонун билан қўриқланган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га мурожаат қилишингизни маълум қиламиз!

Хизматлар лицензияланган

